

## КОРХОНАДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**PhD Обилов Миркомил Рашидович**

Жиззах политехника институти доценти

**Абдувохидов Акмал Абдулазизович**

доцент

Гулистон давлат университети

E-mail: [akash7509@rambler.ru](mailto:akash7509@rambler.ru)

**Аннотация.** Мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг жадал ривожланишини таъминлаш, мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган масалалар долзарблигича қолмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада корхоналарда инновацион жараёнларни молиялаштириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион иқтисодиёт, инвестицион лойиҳа, инновацияларни тижоратлаштириш, инновацияларни молиялаштириш.

## SPECIFIC ASPECTS OF FINANCING INNOVATIVE PROCESSES AT THE ENTERPRISE

**PhD Obilov Mirkomil Rashidovich**

associate professor of Jizzakh Polytechnic Institute

**assistant professor Abduokhidov Akmal Abdulazizovich**

Gulliston State university

E-mail: [akash7509@rambler.ru](mailto:akash7509@rambler.ru)

**Abstract:** Issues related to ensuring the rapid development of innovative activity in our country, the effective use of the existing innovative potential, the introduction of modern innovative technologies in the sectors of the economy remain relevant. Based on this, this article covers the issues of financing innovative processes in enterprises.

**Keywords:** innovation, innovation economy, investment project, commercialization of innovations, financing of innovations.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашда хориж тажрибаси, шу билан бирга ЮНИДО томонидан ишлаб чиқилган услубга мувофиқ, замонавий баҳолаш усуллари кенг фойдаланилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси ва ЮНИДОнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш икки мезон асосида амалга оширилади. Булар, молиявий ва иқтисодий баҳолаш мезонларидир.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг оқилона тизимини яратиш орқали молиявий ресурсларни жамлаш ва уларни инновацион жараёнларнинг устувор соҳаларига йўналтириш имкониятлари пайдо бўлади.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш-янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириш, тадқиқ этиш ва ташкил қилиш, ишланмалар ва ташкилий жараёнларни, янги турдаги техника ва технологияларни, иш ва хизматларни, шунингдек, бошқарувнинг янги шакл ва услубларини яратиш ва жорий этишга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланишдир.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси бу ўз маблағлари ҳисобланади. Ҳар қандай тижорат ташкилоти доимо инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилади. Бу ҳолатда

молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак деган муаммо вужудга келмайди ва унинг банкротлик хавф-хатари (риски) камаяди.

Хусусан ўз-ўзини молиялаштириш корxonани ривожланганлиги ва унинг яхши молиявий ҳолатини билдиради ва яна рақобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади, бошқа корxonаларда бундай имконят бўлмаслиги мумкин. Ҳар қандай тижорат ташкилотининг асосий ўз-ўзини молиялаштириш манбаи бу, асосан, соф фойда ва амортизация ажратмаси ҳисобланади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, агар корxonанинг техник ривожланиш даражаси паст бўлиб, бу корxonанинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиб, корxonани банкротликка олиб келса, бундай ҳолда, фойдани корxonани ривожлантириш учун йўналтириш лозим.

Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб банк кредитлари, ипотека ссудалари, суғурта компанияларидан олинган қарзлар ёки бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар ҳисобланади.

Ушбу молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёردа ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтirmoқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин. Узоқ муддатли кредитларнинг объектив зарурлиги корxonани ишлаб чиқаришини кенгайтириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан шу шароитда кредит муносабатларида узоқ муддатлилик характери вужудга келади. Бу қарздорга ўз маблағларини ўз муомаласидан олишга (оборотидан олишга) нисбатан, бир мунча қисқарoқ вақтда пул маблағларини олиш имкониятини беради. Капитал қўйилмаларни молиялаш-тиришнинг кредит усулининг афзаллик томони маблағларни қайтаришлик билан боғлиқдир. Бу капитал қўйилмаларни ҳақиқий қопланиши ва кредитни қайтарилишини назоратини кучайтиради. Бу эса ўз-

Ўзидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқаларга.

Банк томонидан олинадиган фоизлар бериладиган кредитнинг ҳажми, муддати унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг риск даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференцияллашади. Ҳозирги вақтда инвесторлар тез қайтим берувчи тадбиркорлик фаолиятига кредитларни жалб қилмоқдалар.

Жаҳон амалиётида инновацион лойиҳаларни ва корхоналарни молиялаштириш усули, ўз хусусиятларига ва инфратузилмасига эга бўлган венчур капитали бозори яратилган. Айнан венчур капитали ғарб мамлакатларида инновацион лойиҳаларни инвестициялаш жараёнидаги, ички манбалар чегараланган вазиятда ва бошқа ташқи манбалар қўллаш имконияти йўқлигида, илмий янгиликларни молиявий негизи бўлиб хизмат қилди. Венчур капитали ёки венчурли молиялаштириш атамалари инглизча “venture” сўзидан олинган бўлиб “юқори riskли янги корхона, фаолият тури” маъносини англатади. Венчурли корхона деб кичик 3-5та юқори малакали мутахассислардан (олимлар, кашфиётчилар ва менежерлардан) иборат илмий-изланиш корхонаси тушунилади. Венчурли инвестор сифатида ушбу кичик венчур корхонасини акциядорлик капиталига (акцияларни сотиб олиш йўли билан ёки инвестицион кредит бериш орқали) ўз инвестицияларини узоқ муддатга, келажакда юқори даромад олиш мақсадида киритадиган инвесторлар тушунилади. Улар махсус венчур фондлари, йирик корпорациялар, банклар ёки ўз жамғармаларига эга бўлган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. Венчур лойиҳалари асосан юқори технологик тармоқларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб (компьютер технологиялари, телекоммуникация ва алоқа соҳалари, био- ва нанотехнологиялар, энергетика, фармацевтика ва бошқа тармоқлар) янги технологияларни, инновацион лойиҳаларни жорий этиш фаолияти сифатида ҳам талқин этилади. Венчурли инвестор ўз маблағларини фонд биржасида акциялари

эркин савдода бўлган корхоналарга эмас, балки барча акциялар маълум юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тақсимланган корхоналарга киритишни афзал кўради. Маблағ беғараз ва фоизсиз берилади, ундан ташқари банк кредитлари каби таъминот талаб қилинмайди (таъминот сифатида венчур инвесторнинг кўлида фақат сотиб олинган акциялар бўлади). Берилган маблағлар шартнома муддати тугагунча венчур фирмасидан қайтариб олинмайди. Лойиҳа муваффақиятли бўлган ҳолда компания юқори даромад олади ва уни акционерлар ва инвесторлар ўртасида бўлишади. Олинадиган даромад эса акция даромадининг тақсимоли каби бўлади ва инвесторларнинг улуши 80%гача келишиб олинади. Инвесторларнинг мақсади корхона бошқарувини эгаллаш эмас, шунинг учун акцияларни аксарият қисми кичик корхона раҳбариятида қолади, венчурли инвестор эса ушбу инновацияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнида фаол қатнашади ва таъсисчи сифатида фойда улушини олади. Кейинчалик, инвестиция лойиҳаси амалга оширилгач, инвестор ўзига тегишли акцияларни фонд биржасида ёки корхона раҳбариятига олган нархидан юқорирок нархга сотади (чунки корхонанинг умумий қиймати ушбу даврга қадар ошган бўлади) ва шу тариқа «ўйиндан» чиқади. Венчур молиялаштиришнинг асосий афзаллиги ўртача даромадлилик даражасининг юқорилиги бўлиб, мамлакат иқтисодиёти бўйича кўриладиган даромаддан 2-3 баробар кўп миқдорни ташкил этади. Масалан, АҚШ иқтисодиёти бўйича 20 асрнинг охириги ўн йиллигида ўртача даромад даражаси 8% бўлса, венчур компанияларининг даромадлилик даражаси ўртача 20%ни ташкил этган.

Шундай қилиб, инвестиция лойиҳаларини венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Инвестиция лойиҳасини дастлабки босқичидан бошлаб ноаниқлик ва риск даражасини юқорилиги;
- Венчур капитали эгалари фоиз ва таъминот шартларини қўймайдилар ва узоқ муддатга тўғридан-тўғри акциядорлик капиталига инвестициялар киритадилар;

- Инвестициялар юқори илмий-технологик лойиҳаларга киритилиши ва даромадлигига қараб сармоялар тармоқлараро тақсимланиши.

Умумий қилиб айтганда, инвестиция лойиҳаларини венчур капитал ҳисобига молиялаштириш – бу юқори технологик тармоқлардаги корхоналарнинг оёқга туриши, ривожланиши ва инновацион маҳсулоти билан таънилишини таъминлайдиган инвестициялашни ноанъанавий юқори рискли тури Венчурли молиялаштириш қўллаш оқибатида ривожланган давлатлар бир қанча макроиқтисодий ютуқларга эришдилар, хусусан:

- Инвесторлар риск даражаси баландлигига қарамай инвестициялаш тўғрисида қарорлар қабул қилишлари, иқтисодиётда молиявий ресурсларни самарали тақсимланишига олиб келди;

- Янги инновацион корхоналар яратилиши юқори технологик тармоқларни ривожлантиришга, мамлакатни рақобатбардошлигини оширишга замин яратади;

- Янги иш ўринлар яратилиши, айниқса юқори интеллектуал бойлик эгалари янги инновацион соҳаларда салоҳиятларини намоён этишга молиявий имкониятлар барпо этилади;

- Мамлакатда даромадни ўртача даражаси ўсиши, чунки венчурли молиялаштиришда у нисбатан баланд бўлади ва бошқалар.

Инвестиция лойиҳалари венчур капитали ҳисобига молиялаштириш илмий-тадқиқот ишланмаларнинг тижоратлашувига, яъни инновацион ғоя тайёр инновацион маҳсулотга айланишига молиявий ёрдам беради. Ундан ташқари, илмий-тадқиқот ишланмаларга бўлган талаб венчурли инвесторларга юқори даромад олишга имконият яратиб, давлатга инновацион ривожланиш йўлига ўтишга, илм-техника тараққиёти даражасини оширишга туртки бўлади.

Шундай қилиб, тараққий этган давлатларнинг венчурли молиялаштиришни ташкил этиш борасидаги тажрибаларини умумлаштирган ҳолда, инвестор учун венчурли молиялаштиришнинг қуйидаги авфзалликларини келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Яхши молиявий хавфсизлик ёстикчаси, катта миқдордаги инвестицияларни киритиш имконияти;
2. Инвесторлар ва қўйилмалар объектларини икки томонлама мақбул тарзда диверсификациялаш ҳисобига таваккалчиликни пасайтириш;
3. Таҳлилчилар, экспертлар ва лойиҳа менежерларидан иборат ўз жамоасига эга бўлиш;
4. Объектларни танлаш ва таҳлил қилиш борасида қатъий ишлаб чиқилган тартиблар;
5. Лойиҳани амалга ошириш жараёнларининг қатъий назоратга олинганлиги;
6. Фондлар илк муваффақиятсизликни бошидан кечираётган лойиҳаларни ўз ҳолича ташлаб қўймайдилар, имконият даражасида лойиҳани охиригача етказишга ҳаракат қиладилар.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг оқилона тизимини яратиш орқали молиявий ресурсларни жамлаш ва уларни инновацион жараёнларнинг устувор соҳаларига йўналтириш имкониятлари пайдо бўлади.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш-янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириш, тадқиқ этиш ва ташкил қилиш, ишланмалар ва ташкилий жараёнларни, янги турдаги техника ва технологияларни, иш ва хизматларни, шунингдек, бошқарувнинг янги шакл ва услубларини яратиш ва жорий этишга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланишдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Абдувоҳидов А. ва бошқ. Инновациялар иқтисодиёти.-Т.: «Мумтоз сўз», 2020.-587 с.
2. Андрейчиков А.В., Андрейчикова О.Н. Системный анализ и синтез стратегических решений в инноватике. Основы стратегического инновационного менеджмента и маркетинга. – М.: Либроком, 2012.– 248 с.

3. Дынкина, А. А. Инновационная экономика / Под ред. А.А. Дынкина, Н.И. Ивановой. - М.: Наука, 2001. - 294с.

4. Нурмухаммидова М. Х. и др. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ //ТА’ЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 401-417.

5. Абдувахидов А. А. и др. АГРАР СЕКТОРДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 9-12.

